



Toshkent sh.

2018 yil 31 yanvar

8 - sonli

БОШҚАРУВ МАЖЛИСИ БАЁНИ

Мажлисга "Ўзагролизинг" акциядорлик жамиятининг Бош директори Имамов Х.У. раислик қилди.

Котиб - Абдуманнонов М.И.

Мажлисга қатнашган
Бошқарув аъзолари:

Холдаралиев Д.А. Ходжиев.П.А.,
Атабаев Н.Н., Каримов Б.М.

Кун тартиби:

"Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти ва "Ўзмашлизинг" масъулияти чекланган жамияти томонидан лизингга берилган қишлоқ хўжалик техникалари "Ўздавтехназорат" давлат бош инспекциясининг худудий бўлинмаларида лизинг олувчининг номига рўйхатга олиниши ва белгиланган рўйхатга олиш йиғимлари тўлаб берилишини ҳамкорликда ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида.

1. Эшитилди.

П. Ходжиев – Юридик бўлим бошлиғи.

"Ўздавтехназорат" давлат бош инспекцияси 2018 йил 4 январдаги 01-02/05-сонли хатида "Ўзагролизинг" АЖнинг Сирдарё вилоят филиали томонидан лизингга етказиб берилган 2221 дона қишлоқ хўжалик техникаларидан 1965 донаси (ёки 88%) Сирдарё вилоят "Давтехназорат" инспекциясидан давлат рўйхатидан ўтказилмасдан фойдаланиб келинаётганлигини қайд этиб, ушбу техникаларни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш бўйича кўрсатма берган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 345-сон қарорининг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган "Бош инспекция тўғрисида низом"нинг 8-банди в) ва г) кичик бандларида, "Ўздавтехназорат" инспекцияси томонидан *"техника эгаларидан зарур бўлган ... ҳужжатларни сўраш"* ва *"техника эгаларига ... кўрсатмалар бериш"* ҳуқуқлари берилган.

Ўзбекистон Республикаси "Лизинг тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ лизинг олувчи лизинг муддати даврида лизинг объектининг эгаси ҳисобланиши;

"Лизинг тўғрисида"ги Қонунининг 7-моддаси 2-чи қисмида, давлат органларида рўйхатдан ўтказилиши талаб этиладиган лизинг объектларининг

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лизинг берувчининг ёки лизинг олувчининг номига расмийлаштирилиши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 майдаги 256-сонли қарори 1-илоvasи VII-бўлими талабига мувофиқ, лизинг шартномаси асосида берилган транспорт воситалари томонларнинг ёзма битими бўйича лизинг берувчи номига ёки лизинг олувчи номига рўйхатдан ўтказилиши белгиланган.

Юқорида қайд этилган қонунчилик ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда “Ўзагролизинг” АЖ (лизинг берувчи) ва Сирдарё вилоятидаги лизинг олувчилар ўртасида тузилган лизинг шартномаларида қишлоқ хўжалик техникасини лизинг муддати даврида лизинг олувчи номига рўйхатга олиниши ва дастлабки йиғимларни (давлат рақам белгисини олиш, техник паспорт ва гувоҳнома расмийлаштириш) лизинг олувчи томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Лекин, жойлардаги ҳолат ўрганилганида лизинг олувчилар томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва лизинг шартномаси талаблари ижро этилмаётганлиги, яъни лизинг объектини қонунда белгиланган муддатларда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминланмаётганлиги аниқланган. Масалан, мазкур масала бўйича “Ўзагролизинг” АЖ томонидан Сирдарё вилоятига юборилган “Ишчи гуруҳ” томонидан “Агротехпахта МТП” МЧЖнинг 2014-2015 йилларда лизингга берилган 469 дона тракторларни Сирдарё вилоят “Давтехназорат” инспекциясидан давлат рўйхатидан ўтказилмасдан фойдаланилаётганлиги аниқланган (“Ишчи гуруҳ”нинг 20.01.2018 йилда расмийлаштирилган маълумотномаси).

“Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти ва “Ўзмашлизинг” масъулияти чекланган жамияти томонидан лизингга берилган лизинг объектларини лизинг олувчининг номига давлат рўйхатига олинишини ва рўйхатга олиш йиғимларини тўлаб берилишини “Ўздавтехназорат” давлат бош инспекцияси билан ҳамкорликда ташкил этиш мақсадида:

1) 2018 йилдан бошлаб лизингга етказиб бериладиган барча турдаги техникаларга давлат рақам белгисини олиш ва техник паспорт (гувоҳнома) олиш учун белгиланган йиғимларни Лизинг олувчининг лизинг шартномаси бўйича олдиндан тўлаган аванс маблағлари ҳисобидан ушлаб қолган ҳолда, “Ўзагролизинг” АЖ (ёки “Ўзмашлизинг” МЧЖ)нинг ўз маблағи ҳисобидан ҳудудий “Давтехназорат” инспекциясига тўлаб берилиши;

2) 2006-2013 йилларда “Ўзагролизинг” АЖ (ёки 2010-2013 йилларда “Ўзмашлизинг” МЧЖ) номига рўйхатга олингани ҳолда лизинг тўловлари (ва суд қарорида белгиланган пеня) тўлиқ тўлангани ҳолда мулк ҳуқуқи ўтказилган техникаларни Лизинг берувчи номидан рўйхатдан чиқарилиб, лизинг олувчилар номига уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан рўйхатга қўйилиши ва бунда, рўйхатдан чиқариш йиғимини Лизинг берувчи ҳисобидан тўлаб берилиши;

3) 2014-2017 йиллар мобайнида лизинг олувчиларга лизингга етказиб берилгани ҳолда лизинг олувчилар (шу жумладан, “Агротех пахта МТП” МЧЖ) томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши таъминланмаган техникаларни рўйхатдан ўтказилиши;

4) “Лизинг шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўтказиш шартномаси” шартларига мувофиқ лизинг объекти дастлабки лизинг олувчидан янги лизинг олувчи номига ўтказилганида, лизинг объектини дастлабки лизинг олувчи номидан ҳисобдан чиқариш ва янги лизинг олувчи номига рўйхатдан ўтказиш йиғимларини мазкур лизинг олувчилар томонидан ҳудудий “Давтехназорат” инспекциясига тўлаб берилишини лизинг шартномаси шартлари асосида назоратга олиш;

5) Суд қарори асосида “Жавобгар - лизинг олувчи”дан қайтариб олинган техникалар учун ҳисобдан чиқариш ҳамда ушбу техникани янги лизинг олувчи номига рўйхатга қўйиш харажатларини (давлат рақам белгисини ва техник паспорт (гувоҳнома) олиш) “Ўзагролизинг” АЖ (ёки “Ўзмашлизинг” МЧЖ)нинг ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилишини таъминлаш (бунда, рўйхатга қўйиш харажатларини лизинг шартномаси шартлари асосида янги лизинг олувчидан ундиришни назарда тутган ҳолда);

6) Лизингга берил(аёт)ган қишлоқ хўжалиги техникаларини “Ўздавтехназорат” давлат бош инспекциясининг ҳудудий бўлинмаларида рўйхатдан ўтказиш ишларини ташкил этиш ва бунда “Ўзагролизинг” АЖ ва “Ўзмашлизинг” МЧЖ ходимларининг вазифаларини белгилаш тўғрисида “Юридик бўлим” томонидан тайёрланган “Йўриқнома” лойиҳасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

7) “Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти (“Ўзмашлизинг” масъулияти чекланган жамияти) билан “Ўздавтехназорат” давлат бош инспекцияси ўртасида Техникаларни рўйхатдан ўтказиш ишларини самарали ташкил этиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида “Келишув” имзолаш;

8) 2018 йилда барча турдаги техникалар учун амалда тузилган ва тузилиши кутилаётган лизинг шартномаларига ўрнатилган тартибда, *техникани лизинг олувчи номига рўйхатга қўйиш харажатларини (давлат рақам белгисини ва техник паспорт (гувоҳнома) олиш) “Ўзагролизинг” АЖ (ёки “Ўзмашлизинг” МЧЖ)нинг ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилиши ва ушбу харажатларни лизинг олувчининг тўлаган маблағларидан ушлаб қолиниши тўғрисида* кўшимча ва ўзгартишлар киритиш;

9) 2018 йилнинг февраль ойидан бошлаб барча турдаги техникалар учун тузилиши кутилаётган лизинг шартномалари матни лойиҳасини тегишли ўзгартишларни киритган ҳолда янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритилди.

(Х.Имамов, Н.Атабаев, П.Ходжиев, Б. Каримов, Д.Холдаралиев, Х.Имамов)

Қарор қилинди:

1. “Ўздавтехназорат” давлат бош инспекциясининг 2018 йил 4 январдаги 01-02/05-сонли кўрсатма хати маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “Маркетинг, буюртмаларни шакллантириш, техникаларни лизинг орқали ва тўғридан-тўғри сотишни ташкил этиш бошқармаси” (Юсупов), “Ўзмашлизинг” МЧЖ (Каримов) ва ҳудудий филиаллар директорларига:

ҳудудий “Давтехназорат” инспекциялари билан ҳамкорликда 2014-2017 йиллар даврида лизингга берилгани ҳолда ҳали лизинг муддати тугамаган тракторлар, ўзи юрар ғалла (шоли, маккажўхори, ем-хашак) ўриш комбайнлари, эксковатор ва бульдозерлар, трактор тиркамаларини ва 2018 йилдан бошлаб лизингга берилаётган барча турдаги бошқа қишлоқ хўжалик техникаларини лизинг олувчилар номига уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан рўйхатга олинишини ҳудудий “Давтехназорат” инспекциялари билан ҳамкорликда ташкил этиш;

лизинг тўловлари ва суд қарори асосида белгиланган тўловлар (пеня, зарар) тўлиқ тўлангани ҳолда лизинг шартномаси ёпилган техникаларни лизинг олувчилар номига уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қайта рўйхатга олинишини таъминлаш бўйича ҳудудий “Давтехназорат” инспекцияларига тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳолда мурожаат этиш;

лизингга берил(аёт)ган техникалар тўғрисидаги маълумотларни ва уларни лизинг олган хўжаликлар рўйхатини ҳудудий “Давтехназорат” инспекцияларига мунтазам равишда тақдим этиб борилишини таъминлаш;

“Лизинг шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўтказиш шартномаси” шартларига мувофиқ лизинг объекти дастлабки лизинг олувчидан янги лизинг олувчи номига ўтказилганида, лизинг объектини дастлабки лизинг олувчи номидан ҳисобдан чиқариш ва янги лизинг олувчи номига рўйхатдан ўтказиш йиғимларини ҳудудий “Давтехназорат” инспекциясига тўлаб берилишини лизинг шартномаси шартлари асосида мазкур лизинг олувчилардан талаб этиш;

лизинг объекти давлат рўйхатидан ўтказилгани, қайта рўйхатдан ўтказилгани, уларга қандай давлат рақам белгилари берилгани, ҳисобдан чиқарилгани тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва Жамият бўйича умумлаштирилган ягона маълумотлар базасига киритиш;

юзага келган муаммоларни ечими бўйича Раҳбариятга таклиф киритиш вазифаси юклатилсин.

3. “Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими” (Атабаев) ва “Ўзмашлизинг” МЧЖ (Каримов) лизинг берувчининг маблағи ҳисобидан ҳудудий “Давтехназорат” инспекцияларига:

2018 йилдан бошлаб лизингга етказиб бериладиган барча турдаги техникаларга давлат рақам белгиси ва техник паспорт (гувоҳнома) олиш учун белгиланган йиғимларни (Лизинг олувчининг лизинг шартномаси бўйича тўлаган аванс маблағлари ҳисобидан ушлаб қолган ҳолда);

2006-2013 йилларда “Ўзагролизинг” АЖ (ёки 2010-2013 йилларда “Ўзмашлизинг” МЧЖ) номига рўйхатга олингани ҳолда лизинг тўловлари тўлиқ тўланиб мулк ҳуқуқи ўтказилган техникаларни рўйхатдан чиқариш йиғимини;

Суд қарори асосида “Жавобгар - лизинг олувчи”дан қайтариб олинган техникалар учун ҳисобдан чиқариш ҳамда ушбу техникани янги лизинг олувчи номига рўйхатга қўйиш харажатларини (лизинг шартномаси шартлари асосида янги лизинг олувчидан ундиришни назарда тутган ҳолда) ўрнатилган тартибда тўлаб беришни таъминласинлар.

4. Лизингга берилган техникаларни рўйхатдан ўтказиш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида:

Юридик бўлим (Ходжиев)га “Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти ва “Ўздавтехназорат” давлат бош инспекцияси ўртасида “Келишув” имзоланишини ташкил этиш;

“Ўзмашлизинг” МЧЖ (Каримов)га “Ўзмашлизинг” масъулияти чекланган жамияти ва “Ўздавтехназорат” давлат бош инспекцияси ўртасида “Келишув” имзоланишини таъминлаш топширилсин.

5. Юридик бўлим (Ходжиев), “Ўзмашлизинг” МЧЖ (Каримов) ва ҳудудий филиаллар директорлари барча турдаги техникалар учун 2018 йилда тузилган лизинг шартномаларига ўрнатилган тартибда, *техникани лизинг олувчи номига рўйхатга қўйиш харажатларини (давлат рақам белгиси ва техник паспорт (гувоҳнома) олиш) “Ўзагролизинг” АЖ (ёки “Ўзмашлизинг” МЧЖ)нинг ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилиши ва ушбу харажатларни лизинг олувчининг аванс сифатида тўлаган маблағларидан ушлаб қолиниши тўғрисида қўшимча ва ўзгартишлар киритилишини ташкил этсин.*

6. “Лизинг объекти мониторинги ва носоз техникалар бўйича ишлаб чиқарувчилар билан ишлаш бўлими” (Нуркулов), “Ўзмашлизинг” МЧЖ (Каримов) ва ҳудудий филиаллар директорлари:

Лизинг олувчининг лизинг объектдан фойдаланишини назорат қилиш вақтида техникани худудий “Давтехназорат” инспекциясидан рўйхатдан ўтказилганлигини ўзидаги мавжуд маълумотлар базасига таянган ҳолда текшириш;

давлат рақам белгисини техникага ўрнатилганлигини назорат қилиш;

техника рўйхатдан ўтказилмаган ёки давлат рақам белгиси йўқотилган тақдирда тегишлича мазмундаги “Далолатнома” тузиш;

лизинг олувчига техникани рўйхатдан ўтказиш ва давлат рақам белгисини олиш бўйича “Талабнома хати”ни тақдим этишни таъминлаш топширилсин.

7. “Лизингга берилган (ёки берилган) қишлоқ хўжалиги техникаларини “Ўздавтехназорат” давлат бош инспекциясининг худудий бўлинмаларида рўйхатдан ўтказиш ишларини ташкил этиш ва бунда “Ўзагролизинг” АЖ ва “Ўзмашлизинг” МЧЖ ходимларининг вазифаларини белгилаш тўғрисида йўриқнома” 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2018 йилнинг 1 февралидан кучга киритилсин.

8. 2018 йилнинг февраль ойидан бошлаб барча турдаги техникалар учун тузилиши кутилаётган лизинг шартномаларининг янги намунавий шакллари” 2 ва 3- иловаларга мувофиқ янги тахрирда тасдиқлансин ва 2018 йилнинг 01 февралидан бошлаб кучга киритилсин.

9. Бошқарув йиғилишининг 2017 йил 4 декабрдаги 91-сонли баёни қарори ҳамда мазкур баёнинг 1 ва 2 - иловаларга мувофиқ тасдиқланган “лизинг шартномаларининг намунавий шакллари” 2018 йилнинг 01 февралидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Юридик бўлим (Ходжиев), жамиятнинг худудий филиаллари ва “Ўзмашлизинг” МЧЖ томонидан лизингга бериладиган техникалар учун тузиладиган лизинг шартномалари матнини ушбу қарорнинг 8-банди асосида тасдиқланган намунавий шаклларга мувофиқ расмийлаштирилганлигини, амалда тузилган лизинг шартномаларига эса ушбу қарорнинг 6-бандига мувофиқ ўзгартишлар киритилганлигини доимий назорат қилиб борсин.

11. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Мажлис раиси

Имамов Х. У.

Котиб

Абдуманнонов М. И.

Бошқарув аъзолари:

Холдаралиев Д.А.

Ходжиев П.А.

Атабаев Н.Н.

Каримов Б.М.

Бош юрисконсулт

Хасанов Ш. Ж.

Лизингга берилаётган (ёки берилган) қишлоқ хўжалиги техникаларини “Ўздавтехназорат” давлат бош инспекциясининг ҳудудий бўлинималарида рўйхатдан ўтказиш ишларини ташкил этиш ва бунда “Ўзагролизинг” АЖ ва “Ўзмашлизинг” МЧЖ ходимларининг вазифалари тўғрисида йўриқнома

Мазкур “Йўриқнома”, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 567-моддаси, Ўзбекистон Республикаси “Лизинг тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддаси иккинчи қисми, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 345-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг “Тракторлар, трактор тиркамалари, йўл-қурилиш ва мелиоратив техника, ўзиюрар машиналарни рўйхатдан ўтказиш, уларга давлат рақами белгиларини ва техник паспортларни, шунингдек қишлоқ хўжалиги машинаси гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисида” 2013 йил 11 майдаги 99-сон буйруғи асосида тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 2 июлда 2476-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Низом” талаблари асосида ишлаб чиқилган.

§1. Умумий қоидалар

1. Мазкур “Йўриқнома”, “Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти ҳудудий филиаллари (кейинги матнда “Жамият” деб юритилади) ва “Ўзмашлизинг” масъулияти чекланган жамияти (кейинги матнда “МЧЖ” деб юритилади) томонидан лизингга берилган лизинг объектларини “Ўздавтехназорат” давлат бош инспекциясининг ҳудудий бўлинималарида (кейинги матнда “Инспекция” деб юритилади) лизинг олувчининг номига рўйхатга олинишини ташкил этиш ва бу жараёнда ходимлар вазифаларини белгилаб беради.

§2. Лизинг объектларини “Ўздавтехназорат” давлат бош инспекциясининг ҳудудий бўлинималарида рўйхатга (ва қайта рўйхатга) олиниши ҳамда ҳисобдан чиқарилишини ташкил этиш

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори 8-иловасига (кейинги матнда “Хукумат қарори” деб юритилади) мувофиқ ҳудудий “Давтехназорат” инспекциялари томонидан:

тракторлар, ўзи юрар ғалла (шоли, маккажўхори, ем-хашак, силос) ўриш комбайнлари, эксковатор ва бульдозерлар, трактор тиркамаларига (кейинги матнда “Техникалар” деб юритилади) “техник паспорт” расмийлаштирилади;

бошқа барча оддий турдаги қишлоқ хўжалиги машиналарига (кейинги матнда “Техникалар” деб юритилади) “Гувоҳнома” расмийлаштирилади.

3. Жамият ҳудудий филиаллари (ёки МЧЖ) томонидан ҳудудий туман “Давтехназорат” инспекциясига расмий хат билан лизинг объектини лизинг олувчи номига рўйхатга олиниши бўйича техника лизингга берилган санадан бошлаб

10 (ўн) кунлик муддатда куйидаги хужжатлар нусхаларини тақдим этган ҳолда мурожаат этилади:

- лизинг олувчининг аризаси (ЎР Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 2 июлда 2476-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Низом”нинг 1-иловасида белгиланган шакл бўйича);

- лизинг шартномаси нусхаси (1-чи ва охириги бетлари);

- лизинг олувчи билан лизинг берувчи ўртасида расмийлаштирилган “Техникани топшириш-қабул қилиш далолатномаси” нусхаси;

- ишлаб чиқарувчидан берилган техник хужжатлар;

- лизинг берувчи томонидан берилган ҳисоб-фактура (ёки юк хати (накладной) нусхаси;

- техникани рўйхатга қўйишда Жамият (ёки МЧЖ) томонидан ҳудудий “Давтехназорат” инспекциясига йиғим тўланганлигини тасдиқловчи “Тўлов топшириқномаси”нинг нусхаси;

4. Ҳудудий “Давтехназорат” инспекциясига техникаларга давлат рақами белгиси ҳамда техник паспорт бериш ва кишлок хўжалиги машиналарига гувоҳнома бериш учун энг кам ойлик иш ҳақи микдоридан:

трактор, трактор тиркамаси, йўл-қурилиш ва мелиоратив техника, ўзиюрар машинага рақам белгиси берилганлиги учун — 0,9;

трактор, трактор тиркамаси, йўл-қурилиш ва мелиоратив техника, ўзиюрар машинага техник паспорт берилганлиги учун — 0,17;

кишлоқ хўжалиги машинасига гувоҳнома берилганлиги учун — 0,17 бараварида йиғимлар тўланади.

5. 2018 йилдан бошлаб лизингга етказиб берил(ади)ган техникаларга давлат рақам белгисини олиш ва техник паспорт (гувоҳнома) олиш учун ушбу “Йўриқнома”нинг 4-бандида қайд этилган йиғимлар ҳудудий “Давтехназорат” инспекциясига Жамият (ёки МЧЖ)нинг ўз маблағи ҳисобидан тўлаб берилади.

Мазкур йиғимларни тўлаб бериш бўйича Лизинг берувчи томонидан амалга оширилган харажатлар лизинг шартномаси шартлари асосида Лизинг олувчининг олдиндан тўлаган аванс маблағлари ҳисобидан ушлаб қолинади.

6. Техникани техник кўриқдан ўтказиш учун “Давтехназорат” инспекциясига тўланадиган йиғимлар Лизинг олувчи томонидан лизинг шартномаси шартларига мувофиқ ўз маблағи ҳисобидан тўлаб берилади.

7. Лизингга берилган техникаларни лизинг олувчилар томонидан лизинг муддати даврида учинчи шахсларга сотиб юборилиши эҳтимоли олдини олиш мақсадида ҳудудий туман “Давтехназорат” инспекциялари томонидан лизинг объектининг техник паспорти (гувоҳномаси)га “*мулк ҳуқуқи “Ўзагролизинг” АЖга (ёки “Ўзмашлизинг” МЧЖга) тегишли*” ёзувлари киритилади.

8. Ҳудудий туман “Давтехназорат” инспекциялари томонидан техникалар учун берилган техник паспортлар (гувоҳномалар)нинг асл нусхаси лизинг олувчиларда, нусхаси эса Жамиятнинг ҳудудий филиали (ёки МЧЖ)да сақланади.

9. 2006-2013 йилларда Жамият (ёки МЧЖ) номига рўйхатга олингани ҳолда лизинг тўловлари тўлиқ тўланиб мулк ҳуқуқи ўтказил(аёт)ган техникаларни рўйхатдан чиқариш йиғими (энг кам ойлик иш ҳақининг 0,18 баробари микдори) Жамият (ёки МЧЖ) томонидан тўлаб берилади.

Мазкур техникаларни Жамият (ёки МЧЖ) номидан рўйхатдан чиқарилишини сўраб худудий филиал (ёки МЧЖ) томонидан “техника мулк эгаллигига топширилган сана”дан бошлаб 5 (беш) кунлик муддатда худудий туман “Давтехназорат” инспекциясига қуйидаги хужжатлар тақдим этилади:

- лизинг объектини Жамият (ёки МЧЖ) номидан рўйхатдан чиқарилишини сўраб ёзилган муурожаат хати;

- лизинг шартномаси нусхаси (1-чи ва охириги бетлари);

- лизинг олувчига берилган “Мулк ҳуқуқини бериш далолатномаси” нусхаси;

- техниканинг техник хужжатлари (ушбу хужжатни асл нусхаси “Давтехназорат”га аввалги рўйхатга қўйишда тақдим этилганлиги сабабли талаб қилиб қайтариб олинади ва янги рўйхатга қўйиш учун қайта тақдим этилади);

- Жамият (ёки МЧЖ) томонидан “Давтехназорат” инспекциясига рўйхатдан чиқариш йиғими тўланганлигини тасдиқловчи “Тўлов топширикномаси”нинг нусхаси.

Жамият (ёки МЧЖ) номига рўйхатга олингани ҳолда рўйхатдан чиқарилаётган тракторлар, ўзи юрар ғалла (шоли, маккажўхори, ем-хашак, силос) ўриш комбайнлари, экскаватор ва бульдозерлар, трактор тиркамаларининг давлат рақам белгилари давлат инспекторларига топширилади.

10. 2006-2013 йилларда Жамият (ёки МЧЖ) номига рўйхатга олингани ҳолда мулк ҳуқуқи ўтказилиб, Жамият (ёки МЧЖ) номидан рўйхатдан чиқарилган техникалар лизинг олувчилар номига уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан рўйхатга қўйилади.

11. 2014-2018 йилларда лизингга берилгани ҳолда лизинг муддати тугаган техникаларни лизинг олувчининг номига доимий асосда рўйхатга қўйиш билан боғлиқ барча харажатлар (янги техник паспорт ва давлат рақам белгиси олиш) мазкур лизинг олувчининг ўзи томонидан амалга оширилади.

12. 2006-2013 йилларда Жамият (ёки МЧЖ) номига рўйхатга олинган техникаларга берилган рақам белгиси ва техник паспорти йўқотилган тақдирда, унинг ўрнига янгисини олиш учун Жамият (ёки МЧЖ) томонидан “Давтехназорат” инспекциясига Ҳукумат қарори асосида белгиланган йиғим миқдорининг беш баробари (яъни, энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 4,5 баробари) миқдорида йиғим тўлаб берилади.

Мазкур йиғим миқдори Жамият (ёки МЧЖ) томонидан лизинг шартномаси шартларидан келиб чиққан ҳолда Лизинг олувчининг лизинг тўлови сифатида тўлаган маблағлари ҳисобидан ушлаб қолинади.

13. “Лизинг шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўтказиш шартномаси” шартларига мувофиқ лизинг объекти дастлабки лизинг олувчидан янги лизинг олувчи номига ўтказилганида, лизинг объектини дастлабки лизинг олувчи номидан ҳисобдан чиқариш харажатлари худудий (вилоят) “Давтехназорат” инспекциясига дастлабки лизинг олувчи (агар, юқорида қайд этилган шартномада қайд этилган бўлса, янги лизинг олувчи) томонидан тўлаб берилади.

Бунда, лизинг олувчи(лар) томонидан лизинг объектини дастлабки лизинг олувчи номидан ҳисобдан чиқариш (энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 0,18 баробари миқдоридаги) ва янги лизинг олувчи номига қайта рўйхатга қўйиш учун (энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 0,18 баробари миқдоридаги) йиғимларни лизинг олувчи томонидан тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов хужжати (квитанция, чек, тўлов

топширикномаси) ҳамда туман “Давтехназорат” инспекцияси номига ёзилган ариза Жамият ҳудудий филиали (ёки МЧЖ)га тақдим этилади.

14. “Лизинг шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўтказиш шартномаси”га мувофиқ техникани янги Лизинг оловчи номига рўйхатга олишни ташкил этишда Жамият ҳудудий филиали (ёки МЧЖ) томонидан ҳудудий туман “Давтехназорат” инспекциясига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- лизинг оловчи томонидан техникани ўз номига рўйхатга олиниши сўраб туман “Давтехназорат” инспекцияси номига ёзган аризаси (ЎР Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 2 июлда 2476-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Низом” асосида белгиланган шаклда);

- техниканинг техник ҳужжатлари (ушбу ҳужжатни асл нусхаси “Давтехназорат”га аввалги рўйхатга қўйишда тақдим этилганлиги сабабли талаб қилиб қайтариб олинади ва янги рўйхатга қўйиш учун қайта тақдим этилади);

- “Лизинг шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўтказиш шартномаси” нусхаси;

- лизинг берувчи, дастлабки лизинг оловчи ва янги лизинг оловчи ўртасида расмийлаштирилган “Техникани топшириш-қабул қилиш далолатномаси” нусхаси;

- техникани дастлабки лизинг оловчи номидан ҳисобдан чиқариш ва янги лизинг оловчи қайта рўйхатга қўйиш бўйича ҳудудий (вилоят) “Давтехназорат” инспекциясига йиғимлар тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси.

15. Суд қарори асосида “Жавобгар - лизинг оловчи”дан қайтариб олинган техникаларни ҳисобдан чиқариш харажатлари ҳамда ушбу техникани янги лизинг оловчи номига рўйхатга қўйиш харажатлари (давлат рақам белгисини ва техник паспорт (гувоҳнома) олиш) Жамият (ёки МЧЖ)нинг ўз маблағи ҳисобидан тўлаб берилади.

Мазкур йиғимларни тўлаб бериш бўйича амалга оширилган харажатлар янги лизинг шартномаси шартлари асосида янги Лизинг оловчининг тўлаган аванс маблағлари ҳисобидан ушлаб қолинади.

16. Суд қарори асосида қайтариб олиниб лизингга қайта расмийлаштирилаётган барча турдаги техникаларни янги Лизинг оловчи номига рўйхатга олишни ташкил этишда Жамият ҳудудий филиали (ёки МЧЖ) томонидан ҳудудий туман “Давтехназорат” инспекциясига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- янги лизинг оловчи томонидан техникани ўз номига рўйхатга олиниши сўраб туман “Давтехназорат” инспекциясига ёзган аризаси (ЎР Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 2 июлда 2476-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Низом” асосида белгиланган шаклда);

- техниканинг техник ҳужжатлари (ушбу ҳужжатни асл нусхаси “Давтехназорат”га аввалги рўйхатга қўйишда тақдим этилганлиги сабабли талаб қилиб қайтариб олинади ва янги рўйхатга қўйиш учун қайта тақдим этилади);

- суднинг дастлабки лизинг оловчи билан тузилган лизинг шартномасини бекор қилиш ва лизинг объектини қайтариб олиш тўғрисидаги қарори нусхаси;

- янги лизинг оловчи билан тузилган лизинг шартномаси нусхаси (1-чи ва охириги бетлари);

- лизинг берувчи ва янги лизинг оловчи ўртасида расмийлаштирилган “Техникани топшириш-қабул қилиш далолатномаси” нусхаси;

- техникани дастлабки лизинг олувчи номидан ҳисобдан чиқариш ва янги лизинг олувчи номига рўйхатга қўйиш бўйича ҳудудий (вилоят) “Давтехназорат” инспекциясига йиғимлар тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

17. 2014-2017 йиллар мобайнида лизингга етказиб берилгани ҳолда лизинг олувчилар томонидан рўйхатдан ўтказилиши таъминланмаган техникаларни рўйхатдан ўтказиш ва йиғимлар тўлаб берилишини таъминлаш бўйича Жамиятнинг ҳудудий филиаллари (ёки МЧЖ) томонидан Лизинг олувчининг юридик манзилига “Талабнома хати” юборилади.

Талабнома хатида, лизинг шартномаси шартлари ва Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни талабига мувофиқ техникани Лизинг олувчи томонидан ҳудудий “Давтехназорат” инспекциясида 10 кунлик муддат ичида рўйхатга қўйилишини таъминлаш талаб этилади.

18. Талаб ижро этилмаган тақдирда Жамиятнинг ҳудудий филиаллари (ёки МЧЖ) томонидан тақдим этиладиган “Билдиришнома хати” (ва рўйхат) асосида лизинг олувчига нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш “Давтехназорат” инспекциясининг ўз ваколати доирасида амалга оширилади.

§3. Лизингга берилаётган техникаларни ҳудудий “Давтехназорат” инспекцияларидан рўйхатдан ўтказиш ишларини ташкил этишда ходимларнинг вазифалари

19. Лизингга берилаётган (ёки берилган) техникаларни лизинг олувчи номига ҳудудий туман “Давтехназорат” инспекциясидан рўйхатдан ўтказиш ишларини ташкил этишда Жамиятнинг ижроия аппарати, ҳудудий филиаллари ва МЧЖ ходимларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ҳудудий “Давтехназорат” инспекциялари билан ҳамкорликда, 2014-2017 йиллар даврида лизингга берилган тракторлар, ўзи юрар ғалла (шоли, маккажўхори, ем-хашак, силос) ўриш комбайнлари, эксковатор ва бульдозерлар, трактор тиркамаларини ва 2018 йилдан бошлаб лизингга берилаётган барча турдаги техникаларни лизинг олувчиларнинг номига уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан рўйхатга олинишида ҳудудий “Давтехназорат” инспекциялари билан ҳамкорликда иш ташкил этиш;

лизинг тўловлари ва суд қарори асосида белгиланган тўловлар (пеня, зарар) тўлиқ тўлангани ҳолда лизинг шартномаси ёпилган техникаларни лизинг олувчилар номига уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қайта рўйхатга олинишини таъминлаш бўйича ҳудудий туман “Давтехназорат” инспекцияларига мурожаат этиш (рўйхатини ва тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳолда);

лизинг объекти рўйхатдан ўтказилганидан кейин уларга берилган давлат рақам белгилари тўғрисидаги маълумотларни ҳудудий туман “Давтехназорат” инспекциясидан сўраб олиш ва Жамият (ва МЧЖ)да мавжуд бўлган маълумотлар базасига киритиш;

“Маркетинг, буюртмаларни шакллантириш, техникаларни лизинг орқали ва тўғридан-тўғри сотишни ташкил этиш бошқармаси”га рўйхатдан ўтказилган лизинг объектлари ва уларга берилган давлат рақам белгилари тўғрисидаги маълумотларни электрон шаклини модем алоқаси орқали тақдим этиш.

20. Ушбу “Йўриқнома”нинг 19-бандида қайд этилган вазифаларни бажариш бўйича “Маркетинг, буюртмаларни шакллантириш, техникаларни

лизинг орқали ва тўғридан-тўғри сотишни ташкил этиш бошқармаси” ва МЧЖ ходими қуйидаги ишларни амалга оширади:

а) Жамият (ёки МЧЖ) томонидан лизингга берилган қуйидаги техникалар тўлиқ рўйхатини қуйидаги йиллар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида электрон тарзда алоҳида-алоҳида йигмажилдларга шакллантиради:

- 2006-2013 йилларда лизингга берилган барча турдаги ўзи юрар техникалар (тракторлар, галла (шоли, маккажўхори, ем-хашак, силос) ўриш комбайнлари, эксковатор ва бульдозерлар, трактор тиркамалари) рўйхати;

- 2014-2017 йилларда лизингга берилган барча турдаги ўзи юрар техникалар (тракторлар, галла (шоли, маккажўхори, ем-хашак, силос) ўриш комбайнлари, эксковатор ва бульдозерлар, трактор тиркамалари) рўйхати;

- 2018 йилдан бошлаб лизингга берилаётган барча турдаги ўзи юрар техникалар ва қишлоқ хўжалик техникалари рўйхати;

б) Электрон тарзда шакллантирилган тўлиқ рўйхат ичида “лизинг тўловлари тўлиқ тўланган, лекин мулк ҳуқуқи ўтказилмаган ўзи юрар техникалар рўйхати” ва “мулк ҳуқуқи ўтказилган ўзи юрар техникалар рўйхати”ни алоҳида-алоҳида графада қайд этади.

в) “мулк ҳуқуқи ўтказилган ўзи юрар техникалар рўйхати” асосида барча ҳудудий филиаллардан “Мулк ҳуқуқини ўтказиш далолатномаси”ни йиғади ва вилоятлар (ҳамда йиллар) кесимида очилиши ташкил этилган йигмажилдларга жойлаштириб боради;

г) “мулк ҳуқуқи ўтказилган ўзи юрар техникалар рўйхати”ни таҳлил этиб, шундан ҳудудий “Давтехназорат” инспекциялари томонидан Жамият (ёки МЧЖ) номидан рўйхатдан чиқарилмай қолган “ўзи юрар техникалар рўйхатини” аниқлаштиради ва унинг электрон шаклини (“тўлиқ рўйхат” таркибида) қуйидаги тартибда шакллантиради:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида;

2006-2013 йиллар кесимида ва ҳар бир йилда лизингга берилган ўзи юрар техникаларни барчасини йиллар кетма-кетлигида кўрсатган ҳолда;

ўзи юрар техникалар ҳар бирини тури, русуми, двигатель ва рамаси (ёки шасси) рақами, лизингга олган эгаси (лизинг олувчи) номи ва жойлашган тумани, лизингга қачон берилгани, янги лизинг олувчи номи (агар, техника лизингга қайта расмийлаштирилган бўлса), охириги берилган давлат рақам белгиси, лизинг муддатини тугаш санасини кўрсатган ҳолда;

д) 2006-2013 йилларда Жамият (ёки МЧЖ) номига рўйхатга олинган ва “Мулк ҳуқуқини ўтказиш далолатномаси” расмийлаштирилиб рўйхатдан чиқарилмай қолган ўзи юрар техникаларни рўйхатдан чиқариш учун:

ушбу техникаларнинг вилоятлар кесимида рўйхатини (тури, русуми, двигатель ва рамаси (ёки шасси) рақами, лизингга олган эгаси (лизинг олувчи) номи ва жойлашган тумани, янги лизинг олувчи номи (агар, техника лизингга қайта расмийлаштирилган бўлса), давлат рақам белгиси, “Мулк ҳуқуқини ўтказиш далолатномаси” санаси ва рўйхатдан чиқариш йиғими суммасини кўрсатган ҳолда) илова қилган ҳолда, ҳудудий (вилоят) “Давтехназорат” инспекциясига рўйхатдан чиқариш йиғимини тўлаб берилишини сўраб Жамият Бош директорига хизмат хати тайёрлайди;

хизмат хати ҳар битта ҳудуд (вилоят)га лизингга берилган техникалар рўйхатидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ҳудудий (вилоят) “Давтехназорат” инспекцияси бўйича тўланадиган йиғимлар ҳисоб-китобини кўрсатган ҳолда алоҳида тайёрланади;

хизмат хати раҳбар резолюцияси билан Жамиятнинг “Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими”га тақдим этилади;

рўйхатдан чиқариш йиғими тўланганлигини тасдиқловчи “Тўлов топшириқномаси” нусхасини “Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими”дан сўраб олади ва тегишли ҳудудий филиалга модем алоқаси орқали юборади;

тегишли ҳудудий филиал ходими томонидан ушбу “Йўриқнома”нинг 9-банди 2-қисмида қайд этилган ҳужжатларни белгиланган муддат ичида тегишли ҳудудий туман инспекциясига тақдим этилишини назорат қилади;

е) 2014-2017 йилларда лизингга берилган барча турдаги ўзи юрар техникалар тўлиқ рўйхатидан ҳудудий “Давтехназорат” инспекциясида рўйхатга олинмаган (яъни, давлат рақам белгиси берилмаган) техникаларни аниқлайди, алоҳида графада белгилаш орқали рўйхатини тузади ва шу рўйхат бўйича ҳудудий филиаллар ходимларидан лизинг олувчиларга техникани “Давтехназорат” инспекциясида рўйхатга кўйилишини таъминлаш бўйича “Талабнома хати”и юборилишини талаб қилади;

ё) 2014-2017 йилларда лизингга берилган барча турдаги ўзи юрар техникаларни рўйхатдан ўтказилишини “Талабнома хати” олганидан кейин ҳам 10 кунлик муддатда таъминламаган лизинг олувчиларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий кодекси асосида маъмурий чоралар қўлланилиши бўйича ҳудудий филиаллар томонидан ҳудудий “Давтехназорат” инспекцияларига расмий хат билан мурожаат қилинганлигини назорат қилади;

ж) 2014-2017 йилларда лизингга берилган барча турдаги ўзи юрар техникалар рўйхатини таҳлил этади ва “Мулк ҳуқуқини ўтказиш далолатномаси” расмийлаштирилган техникаларни алоҳида графаларда қайд этиб, мазкур техникаларни лизинг олувчи номига доимий асосда қайта рўйхатга кўйишни амалга ошириш учун, улар рўйхатини тегишли ҳудудий филиал ходими томонидан “Давтехназорат” инспекциясига тақдим этилишини назорат қилади;

з) 2018 йилдан бошлаб лизингга берил(аёт)ган барча турдаги ўзи юрар техникалар ва қишлоқ хўжалик техникаларини рўйхатга кўйилишини ҳудудий “Давтехназорат” инспекциялари билан ҳамкорликда амалга ошириш учун:

ушбу техникаларнинг вилоятлар кесимида рўйхатини (тури, русуми, двигател ва рамаси (ёки шасси) рақами, лизингга олган эгаси (лизинг олувчи) номи ва жойлашган тумани ва рўйхатга кўйиш йиғими суммасини кўрсатган ҳолда) жадвал шаклида илова қилган ҳолда, ҳудудий (вилоят) “Давтехназорат” инспекциясига рўйхатдан ўтказиш йиғимини тўлаб берилишини сўраб Жамият Бош директорига хизмат хати тайёрлайди;

хизмат хати ҳар битта ҳудудга лизингга берилган техникалар рўйхатидан ва ҳар бир ҳудудий “Давтехназорат” инспекциясига тўлаб бериладиган маблағ микдоридан келиб чиққан ҳолда шу ҳудуд учун алоҳида тайёрланади;

хизмат хатини раҳбар резолюцияси билан Жамиятнинг “Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими”га тақдим этади;

рўйхатдан ўтказиш йиғими тўланганлигини тасдиқловчи “Тўлов топшириқномаси” нусхасини “Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими”дан сўраб олади ва тегишли ҳудудий филиалга модем алоқаси орқали юборади;

тегишли худудий филиал ходими томонидан ушбу “Йўриқнома”нинг 3-бандида қайд этилган ҳужжатларни белгиланган муддат ичида тегишли худудий инспекцияга тақдим этилишини назорат қилади;

к) 2006-2013 йилларда Жамият (ёки МЧЖ) номига рўйхатга олинган техникаларга берилгани ҳолда кейинчалик лизинг олувчи томонидан йўқотилган давлат рақам белгиси (техник паспорти) ўрнига янгисини олиш учун филиалдан олинган “Далолатнома” асосида белгиланган йиғимнинг беш баробари (яъни, энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 4,5 баробари) миқдоридаги йиғим суммасини тегишли вилоят “Давтехназорат” инспекциясига тўлаб берилиши бўйича Бошқарма номидан Жамият Бош директориغا хизмат хати тайёрлайди.

21. Жамиятнинг “Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими” раҳбар резолюцияси билан тақдим этилган хизмат хати асосида тегишли худудий “Давтехназорат” инспекциялари ҳисоб рақамига қуйидаги йиғимларни тўлаб беради:

2018 йилдан бошлаб лизингга берилган барча турдаги ўзи юрар техникалар ва қишлоқ хўжалик техникаларини рўйхатга қўйилиши учун;

2018 йилдан бошлаб лизингга қайта расмийлаштирилаётган барча турдаги ўзи юрар техникалар ва қишлоқ хўжалик техникаларини янги лизинг олувчи номига рўйхатга қўйилиши учун;

2006-2013 йилларда Жамият номига рўйхатга олинган техникаларни “Мулк ҳуқуқини ўтказиш далолатномаси” асосида Жамият номидан ҳисобдан чиқариш учун;

Жамият (МЧЖ) номига рўйхатга олинган техникаларнинг йўқотилган рақам белгиси ва техник паспорти ўрнига янгисини олиш учун;

Жамият номига рўйхатга олинган техникаларни бошқа лизинг олувчиларга лизингга қайта расмийлаштиришда техниканинг “Техник паспорти”га киритиладиган қўшимча ёзув амалга оширилганлиги учун.

22. Жамиятнинг “Юридик бўлими” ходимлари қуйидаги ишларни амалга оширади:

2018 йилдан бошлаб тузилаётган барча турдаги лизинг шартномалари лойиҳаси матнига “техникани худудий “Давтехназорат” инспекцияларидан рўйхатдан ўтказиш учун тўланадиган йиғимларни Лизинг берувчи ҳисобидан тўлаб берилиши ва ушбу харажатларни Лизинг олувчининг тўлаган маблағлари ҳисобидан ушлаб қолиниши тўғрисида”ги қоидани киритади;

худудий филиаллар томонидан 2018 йил бошлаб ўзи юрар техникалар ва қишлоқ хўжалик техникаларини лизингга бериш бўйича тузил(аёт)ган лизинг шартномаларига юқорида қайд этилган қоидани киритилганлигини назорат қилади;

мазкур “Йўриқнома” мазмуни ва қоидалари бўйича Жамият (МЧЖ) ходимларига тушунтиришлар беради;

“Ўздавтехназорат” инспекцияси билан Жамият ўртасида лизингга берил(аёт)ган ўзи юрар техникалар ва қишлоқ хўжалик техникаларини рўйхатга қўйишни ҳамкорликда амалга ошириш бўйича олиб борилаётган музокараларда иштирок этади ва тарафлар ўртасида “Келишув” имзоланишини ташкил этади.

23. “Лизинг объекти мониторинги ва носоз техникалар бўйича ишлаб чиқарувчилар билан ишлаш бўлими” ва худудий филиаллар (МЧЖ)нинг “Лизинг операциялари бўйича мутахассис” ва “Техникадан фойдаланишни назорат қилиш бўйича мутахассис” ходимлари қуйидаги ишларни амалга оширади:

лизинг объектдан фойдаланилишини назорат қилиш вақтида доимий равишда Лизинг олувчи томонидан техникани худудий туман “Давтехназорат” инспекциясидан рўйхатдан ўтказилганлигини ўзидаги мавжуд маълумотлар базасига таянган ҳолда текширади;

давлат рақам белгисини техникага ўрнатилганлигини назоратдан ўтказди;

техника рўйхатдан ўтказилмаган ёки давлат рақам белгиси (ёки техник паспорти) йўқотилган тақдирда тегишлича мазмундаги “Далолатнома” тузади;

лизинг олувчига техникани рўйхатдан ўтказиш ва давлат рақам белгисини олиш бўйича “Талабнома хати” тақдим этади;

шартномада белгиланган лизинг тўловларини (ва суд қарорида кўрсатилган пеня (зарар) суммасини, агар, суд қарори мавжуд бўлса) тўлиқ тўлаган лизинг олувчиларга “Мулк ҳуқуқини ўтказиш далолатномаси”ни топширади;

Ўзига бириктирилган худуд (туман)даги лизинг олувчиларга лизингга берилган техникаларни рўйхатга олиниши ва ҳисобдан чиқарилиши бўйича қуйидаги маълумотларни ҳар куни Филиал (МЧЖ)даги масъул ходимга тақдим этади:

- техника рўйхатдан ўтказилмаган ёки давлат рақам белгиси (ёки техник паспорти) йўқотилган бўлса, тегишлича мазмунда тузилган “Далолатнома” нусхасини;

- техникани рўйхатдан ўтказиш ва давлат рақам белгисини олиш бўйича лизинг олувчига берилган “Талабнома хати” нусхасини;

- шартномада белгиланган лизинг тўловлари тўлиқ тўланган ва “Мулк ҳуқуқини ўтказиш далолатномаси” берилгани ҳолда Жамият (МЧЖ) номидан ҳисобдан чиқарилмаган техникалар (лизинг олувчилар) рўйхатини;

- шартномада белгиланган лизинг тўловлари тўлиқ тўланмаган ва ҳозирда Жамият (МЧЖ) номида ҳисобда турган техникалар (лизинг олувчилар) рўйхатини;

- лизинг олувчига топширилган “Мулк ҳуқуқини ўтказиш далолатномаси”ни имзо ва муҳр қўйилган иккинчи асл нусхасини;

2006-2013 йилларда Жамият (ёки МЧЖ) номига рўйхатга олинган ва “Мулк ҳуқуқини ўтказиш далолатномаси” расмийлаштирилиб рўйхатдан чиқарилмай қолган ўзи юрар техникалар рўйхатини (тури, русуми, двигатель ва рамаси (ёки шасси) рақами, лизингга олган эгаси (лизинг олувчи) номи ва жойлашган тумани, янги лизинг олувчи номи (агар, техника лизингга қайта расмийлаштирилган бўлса), давлат рақам белгиси, “Мулк ҳуқуқини ўтказиш далолатномаси” санаси ва рўйхатдан чиқариш йиғими суммасини кўрсатган ҳолда);

- 2014-2017 йиллар мобайнида лизингга берилган ўзи юрар техникалар (лизинг олувчилар) рўйхатини;

- 2014-2017 йиллар мобайнида шартномада белгиланган лизинг тўловлари тўлиқ тўланган ва “Мулк ҳуқуқини ўтказиш далолатномаси” берилган техникалар (лизинг олувчилар) рўйхатини;

- лизингга қайта расмийлаштирилиши натижасида техниканинг “Техник паспорти (гувоҳномаси)”га “Давтехназорат” инспекцияси томонидан қўшимча ёзув киритилганлиги (ёки киритилмаганлиги) тўғрисидаги маълумотни ҳамда янги лизинг олувчининг номи, манзили ва телефон рақами тўғрисидаги маълумотларни;

- ва иш жараёнида масъул ходим томонидан сўралган бошқа маълумотларни.

24. Худудий филиаллар ва МЧЖнинг масъул ходимлари қуйидаги ишларни амалга оширади:

2006-2013 йилларда Жамият (ёки МЧЖ) номига рўйхатга олинган ва “Мулк ҳуқуқини ўтказиш далолатномаси” расмийлаштирилиб рўйхатдан чиқарилмай қолган ўзи юрар техникаларни Жамият (ёки МЧЖ) номидан рўйхатдан чиқариш учун уларнинг рўйхатини (тури, русуми, двигатель ва рамаси (ёки шасси) рақами, лизингга олган эгаси (лизинг олувчи) номи ва жойлашган тумани, янги лизинг олувчи номи (агар, техника лизингга қайта расмийлаштирилган бўлса), давлат рақам белгиси, “Мулк ҳуқуқини ўтказиш далолатномаси” санаси ва рўйхатдан чиқариш йиғими суммасини кўрсатган ҳолда) Жамиятга тақдим этади;

2006-2013 йилларда лизингга берилиб лизинг шартномаси ёпилган техникаларни лизинг олувчи номига “доимий асосда рўйхатга қўйилиши”ни таъминлаш учун тегишли ҳудудий филиал (МЧЖ) ходими ушбу “Йўриқнома”нинг 9-банди 2-қисмида қайд этилган ҳужжатларни техникага “Мулк ҳуқуқи далолатномаси” расмийлаштирилган санадан бошлаб 5 (беш) кунлик муддатда тегишли ҳудудий туман “Давтехназорат” инспекцияга тақдим этади;

2014-2017 йилларда лизингга берилган барча турдаги ўзи юрар техникалар тўлиқ рўйхатини таҳлил этади ва “Мулк ҳуқуқини ўтказиш далолатномаси” расмийлаштирилган техникаларни алоҳида графаларда қайд этиб уларнинг рўйхатини лизинг олувчи номига “доимий асосда рўйхатга қўйилиши”ни таъминлаш учун ҳудудий туман “Давтехназорат” инспекцияларига расмий хат билан тақдим этади;

2014-2017 йилларда лизингга берилган барча турдаги ўзи юрар техникалар тўлиқ рўйхатидан ҳудудий “Давтехназорат” инспекциясида рўйхатга олинмаган (яъни, давлат рақам белгиси берилмаган) техникаларни аниқлайди, уларнинг рўйхатини тузади ва шу рўйхат асосида лизинг олувчиларга техникани туман “Давтехназорат” инспекциясида рўйхатга қўйилишини таъминлаш бўйича “Талабнома хати” юборади;

2014-2017 йилларда лизингга берилган барча турдаги ўзи юрар техникаларни “Талабнома хати” олинганидан кейин ҳам рўйхатидан ўтказилиши (ва йиғим тўлаб берилиши)ни таъминламаган лизинг олувчиларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий кодексининг 139-моддаси 1-қисми ва 174-моддалари асосида маъмурий чора қўлланилишини сўраб ҳудудий “Давтехназорат” инспекцияларига расмий хат билан мурожаат қилади;

2018 йилдан бошлаб лизингга берилган барча турдаги ўзи юрар техникалар ва қишлоқ хўжалик техникаларини рўйхатга қўйилишини ҳудудий “Давтехназорат” инспекциялари билан ҳамкорликда амалга ошириш учун ушбу “Йўриқнома”нинг 3-бандида қайд этилган ҳужжатларни белгиланган муддат ичида тегишли ҳудудий туман инспекциясига тақдим этади;

лизингга берилган лизинг объектининг техник паспорти (гувоҳномаси)га “Давтехназорат” инспекциялари томонидан “мулк ҳуқуқи “Ўзагролизинг” АЖга (ёки “Ўзмашлизинг” МЧЖга) тегишли” ёзувлари киритилганлигини назорат қилади;

ҳудудий туман “Давтехназорат” инспекцияларидан техникалар учун берилган техник паспортлар (гувоҳномалар)нинг нусхасини сўраб олади ва ҳудудий филиал (ёки МЧЖ)да йиллар ва туманлар кесимида ташкил этилган йиғмажилдларда сақланишини таъминлайди;

2006-2013 йилларда Жамият (ёки МЧЖ) номига рўйхатга олинган техникаларга берилган давлат рақам белгиси лизинг олувчи томонидан

йўқотилиши сабабли ушбу техникани қайта рўйхатга олиш муаммоси юзага келган тақдирда, лизинг олувчининг имзоси ва мухри билан 3 (уч) нусхада “Далолатнома” тузади ва бир нусхасини расмий хат билан Жамиятга тақдим этади;

Жамият (ёки МЧЖ) номида рўйхатда турган тракторлар, ўзи юрар галла (шоли, маккажўхори, ем-хашак, силос) ўриш комбайнлари, экскаватор ва бульдозерлар, трактор тиркамаларини рўйхатдан чиқаришда уларнинг давлат рақам белгиларини давлат инспекторларига топширади;

лизингга расмийлаштирилган техникаларнинг ҳудудий туман “Давтехназорат” инспекциясидан лизинг олувчи номига рўйхатдан ўтказилиши, берилган давлат рақам белгилари, қайта рўйхатдан ўтказилиши ёки Жамият (ёки МЧЖ) номидан рўйхатдан чиқарилиши тўғрисидаги маълумотларни тайёрлаб, компьютердаги маълумотлар базасига киритади ва модем алоқаси орқали “Маркетинг, буюртмаларни шакллантириш, техникаларни лизинг орқали ва тўғридан-тўғри сотишни ташкил этиш бошқармаси”га мунтазам равишда тақдим этиб боради.

25. “Маркетинг, буюртмаларни шакллантириш, техникаларни лизинг орқали ва тўғридан-тўғри сотишни ташкил этиш бошқармаси” ҳар ойда бир марта, кейинги ойнинг 5-санасигача муддатда лизингга расмийлаштирилган техникаларнинг ҳудудий “Давтехназорат” инспекциясидан лизинг олувчи номига рўйхатдан ўтказилиши, қайта рўйхатдан ўтказилиши ёки Жамият (ёки МЧЖ) номидан рўйхатдан чиқарилиши тўғрисидаги маълумотларни Жамият Бош директорига белгиланган шаклда тақдим этади.

§4. Ходимларнинг жавобгарлиги

26. Мазкур “Йўриқнома” талабларини ва тегишлича буйруқ асосида зиммаларига юклатилган вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Жамият ижроия аппарати, ҳудудий филиаллари (ва МЧЖ)нинг масъул ходимлари ўрнатилган тартибда интизомий жавобгарликка тортиладилар.

27. Лизинг объектининг техник паспортини (ёки бошқа ҳужжатларни) йўқотган (ёки йўқотилишига тўғридан-тўғри сабабчи бўлган) ходимлар Жамият (ва МЧЖ)га моддий зарар келтирган деб ҳисобланадилар ҳамда келтирилган моддий зарар қиймати ўрнатилган тартибда қопланиши шарт.

§5. Яқуний қондалар

28. Жамият (ва МЧЖ) номидан ҳисобдан чиқарилган техникаларни янги мулк эгаси номига қайта расмийлаштириш ҳудудий “Давтехназорат” инспекциялари томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади ва бу жараёнда Жамият (ва МЧЖ) ходимлари иштирок этмайди.

**Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги
“Тараккиёт” фермер хўжалиги раҳбари
Н. Сатторовга**

Сиз билан “Ўзагролизинг” АЖнинг Сирдарё вилоят филиали ўртасида 2017 йил 20 январда _____-сонли лизинг шартномаси тузилиб, мазкур шартнома доирасида 1 дона “ТТЗ-100НС” русумли трактор 2017 йилнинг 20 июнида лизингга етказиб берилган.

Ўзаро тузилган лизинг шартномасининг 2.6-бандида “Техникани “Давтехназорат” инспекциясидан ўз номига рўйхатдан ўтказиб ягона рақам белгисини олиш, техник кўрикдан ўтказиш, техник паспорт олиш ва белгиланган йиғимларни тўлаш ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ томонидан амалга оширилади” деб белгиланган.

Сиз ҳозирги вақтга қадар ўтган давр мобайнида Трактордан давлат рўйхатига қўймасдан ва белгиланган давлат йиғимларини тўламасдан фойдаланмоқдасиз.

Натижада, Сиз томонингиздан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.12.2012 йилдаги “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 345-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 2 июлда 2476-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Тракторлар, трактор тиркамалари, йўл-қурилиш ва мелиоратив техника, ўзиюрар машиналарни рўйхатдан ўтказиш, уларга давлат рақами белгиларини ва техник паспортларни, шунингдек қишлоқ хўжалиги машинаси гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисида Низом” талабларини бузилишига йўл қўйилган.

Сиздан, Тракторни 10 кунлик ичида, яъни 2018 йилнинг __ _____ гача муддатда Вилоят “Давтехназорат” инспекциясида рўйхатга қўйишингизни ва давлат йиғимларини тўлашингизни талаб этамиз.

Акс ҳолда, Лизинг берувчининг расмий мурожаати асосида Вилоят “Давтехназорат” инспекцияси томонидан Сизга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий кодексининг:

139-моддаси 1-қисмига асосан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган Трактор (комбайн)дан фойдаланганингиз учун энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима;

174-моддасига асосан белгиланган Трактор (комбайн)ни рўйхатдан ўтказиш йиғими (мажбурий тўлов)ни тўламаганингиз учун энг кам иш ҳақининг етти бараваригача миқдорида жарима;

жами энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорида жарима қўлланилиши тўғрисида ОГОҲЛАНТИРАМИЗ!

Филиал директори

Х. Маматкулов

_____ туман (шаҳар)
Қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича
инспектори

_____ га
_____ дан
(юридик шахснинг номи)

А Р И З А

Сиздан _____
(сўровнинг қисқача мазмуни)

_____ техникани
рўйхатдан ўтказишингизни сўрайман.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- лизинг шартномаси нусхаси (1-чи ва охириги бетлари);
- лизинг олувчи билан лизинг берувчи ўртасида расмийлаштирилган “Техникани топшириш-қабул қилиш далолатномаси” нусхаси;
- ишлаб чиқарувчидан берилган техник ҳужжатлар;
- лизинг берувчи томонидан берилган ҳисоб-фактура (ёки юк хати (накладной) нусхаси);
- рўйхатга қўйиш йигими тўланганлигини тасдиқловчи “Тўлов топшириқномаси”нинг нусхаси.

Олинган техника ёки қишлоқ хўжалиги машинаси ҳақида маълумот:

1.	Тури, номи		5.	Русуми	
2.	Чиққан йили		6.	Чиқарган завод	
3.	Техник паспорт N		7.	Завод N	
4.	Двигатель N		8.	Шасси N	

Раҳбар _____ М.Ў. _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Бош ҳисобчи _____
(имзо) (Ф.И.О.)

“Лизинг шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўтказиш шартномаси”ни тузиб техникани лизингга олаётган Лизинг олувчи томонидан ҳудудий “Давтехназорат” инспекциясига ёзиладиган Ариза шакли

_____ туман (шахар)
Қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича
инспектори

_____ га
“_____” фермер хўжалиги _____ дан
(юридик шахснинг номи)

АРИЗА

Сиздан “Ўзагролизинг” АЖдан лизингга олинаётган
(сўровнинг қисқача мазмуни)

_____ Т6070 русумли _____ техникани
лизинг муддати даврига “_____” фермер хўжалиги номига рўйхатдан
ўтказишингизни сўрайман.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- “Лизинг шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўтказиш шартномаси” нусхаси;
- техниканинг техник ҳужжатлари;
- “Техникани топшириш-қабул қилиш далолатномаси” нусхаси;
- техникани дастлабки лизинг олувчи номидан ҳисобдан чиқариш ва “_____” фермер хўжалиги номига рўйхатга қўйиш йиғимини тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Рўйхатга қўйилаётган техника ҳақида маълумот:

1.	Тури, номи		5.	Русуми	
2.	Чикқан йили		6.	Чиқарган завод	
3.	Техник паспорт N		7.	Завод N	
4.	Двигатель N		8.	Шасси N	

“_____”
Фермер
хўжалиги
раҳбари

_____ (имзо)

М.Ў.

_____ (Ф.И.О.)

Суд қарори асосида қайтариб олинган техникани янгидан лизингга олаётган Лизинг олувчи томонидан ҳудудий "Давтехназорат" инспекциясига ёзиладиган Ариза шакли

туман (шаҳар)

Қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича
инспектори

га

" " фермер хўжалиги дан
(юридик шахснинг номи)

АРИЗА

Сиздан "Ўзагролизинг" АЖдан лизингга олинаётган
(сўровнинг қисқача мазмуни)

ТТЗ-80.11 русумли техникани
лизинг муддати даврига " " фермер хўжалиги номига рўйхатдан
ўтказишингизни сўрайман.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- янги лизинг олувчи билан тузилган лизинг шартномаси нусхаси (1-чи ва охириги бетлари);
- суднинг дастлабки лизинг олувчи билан тузилган лизинг шартномасини бекор қилиш ва лизинг объектини қайтариб олиш тўғрисидаги қарори нусхаси;
- техниканинг техник ҳужжатлари;
- "Техникани топшириш-қабул қилиш далолатномаси" нусхаси;
- техникани дастлабки лизинг олувчи номидан ҳисобдан чиқариш ва янги лизинг олувчи номига рўйхатга қўйиш бўйича йиғимлар тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Рўйхатга қўйилаётган техника ҳақида маълумот:

1.	Тури, номи		5.	Русуми	
2.	Чиққан йили		6.	Чиқарган завод	
3.	Техник паспорт N		7.	Завод N	
4.	Двигатель N		8.	Шасси N	

" "

Фермер
хўжалиги
раҳбари

(имзо)

М.Ў.

(Ф.И.О.)

Техникани Лизинг берувчи номидан рўйхатдан чиқариш бўйича Филиал томонидан ҳудудий
“Давтехназорат” инспекциясига юбориладиган Мурожаат хати шакли

_____ туман (шаҳар)
Қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича
инспектори

_____ га

_____ “Ўзагролизинг” АЖ _____ дан
(юридик шахснинг номи)

Мурожаат хати

Сиздан 20__ йилда “Ўзагролизинг” АЖ (“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК) номига рўйхатга олинган ҳамда ўша вақтда “_____” фермер хўжалигига лизингга берилган
(сўровнинг қисқача мазмуни)

ТТЗ -80.11 русумли _____ техникани
лизинг муддати тугаганлиги ва “_____” фермер хўжалигига мулк ҳуқуқини ўтказилганлиги сабабли “Ўзагролизинг” АЖ (“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК) номидан ҳисобдан чиқаришингизни сўрайман.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- лизинг шартномаси нусхаси (1-чи ва охириги бетлари);
- лизинг олувчига берилган “Мулк ҳуқуқини бериш далолатномаси” нусхаси;
- техниканинг техник ҳужжатлари;
- рўйхатдан чиқариш йиғими тўланганлигини тасдиқловчи “Тўлов топшириқномаси”нинг нусхаси.

Ҳисобдан чиқарилаётган техника ёки қишлоқ хўжалиги машинаси ҳақида маълумот:

1.	Тури, номи		5.	Русуми	
2.	Чиққан йили		6.	Чиқарган завод	
3.	Техник паспорт N		7.	Завод N	
4.	Двигатель N		8.	Шасси N	

Филиал
директори

_____ (имзо)

М.Ў.

_____ (Ф.И.О.)